

БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ШАРОИТИДА МАХСУЛОТ СИФАТИНИ ОШИРИШДА СИФАТИНИ БОШҚАРИШНИНГ АХАМИЯТИ

Жиззах политехника институти катта ўқитувчиси
Бадалов Номоз Жўрабоевич

Аннотатсия: Сифатни бошқаришни замонавий назариясида махсулот тўртта умумий тоифалар бўйича тавсифланади булар хизмат кўрсатиш, дастурий воситалар, техник воситалар, қайта ишланадиган материаллардан иборат бўлади. Хизмат кўрсатиш ҳеч бўлмаганда битта ҳаракат натижаси ҳисобланади ва албатта, таъминотчи ва истеъмолчилар ўзаро ҳаракати натижасида амалга оширилади. Сифатни қўллаш ва кўриб чиқиш мақсадига боғлиқ равишда сифат жиҳатларидан фалсафий нуқтаи назарда сифат кўриб чиқиладиган объектга муҳим равшанлик берувчи, шу равшанлик туфайли объект ўзига хос ва бошқалардан ажралиб турадиган объектга айланади.

Аннотации: В современной теории управления качеством продукт описывается в четырех основных категориях: услуги, программное обеспечение, оборудование и материалы, пригодные для вторичной переработки. Услуга - это результат как минимум одного действия и, конечно же, взаимодействия поставщика и потребителя. В зависимости от цели применения и рассмотрения качества, с философской точки зрения качества, качество придает значительную ясность рассматриваемому объекту, благодаря этой ясности объект становится уникальным и отличимым от других.

Annotation: In modern theory of quality management, a product is described in four general categories: service, software, hardware, and recyclable materials. The service is the result of at least one action and, of course, the interaction of the supplier and the consumer. Depending on the purpose of application and consideration of quality, from a philosophical point of view of quality, quality gives significant clarity to the object under consideration, because of this clarity the object becomes unique and distinguishable from others.

Калит сўз: Сифат, сифат тизими, сифатни бошқариш, объект, ресурс, стандарт, халқаро стандарт, моддий-техника, махсулот, сифат тоифаси, рақобат.

Ключевые слова: качество, система качества, менеджмент качества, объект, ресурс, стандарт, международный стандарт, материально-технический, продукт, категория качества, конкуренция.

Keywords: Quality, quality system, quality management, object, resource, standard, international standard, material and technical, product, quality category, competition.

Сифатни бошқариш биринчидан истеъмолчилар талабини қондириш, иккинчидан, бошқарув етакчилиги ва фаолияти сифатини доимий яхшилаш усуллари фаол қўллаш асосида ишлар самарадорлигини оширишга йўналтирилган. Бошқача қилиб айтганда, ташкилот фаолиятини сифатли бошқариш деганда, бошқарувни ҳар бир даражасида узлуксиз яхшилаш, мавжуд барча ресурсларни қўллаш асосида ташкилотнинг ҳар бир функционал соҳасини яхшилаб бориш жараёни тушунилади.

Объект-бу материал ёки идеал шаклга эга, жонли ёки жонсиз, меҳнатнинг табиий ёки сунъий маҳсули ёки табиат маҳсули бўлган ихтиёрий предмет, жараён ёки ҳодисадир.

Жараён-бу киришни чиқишга ўзгартирувчи, ўзаро боғлиқ ва ўзаро таъсур этувчи фаолият турларининг йиғиндисидир. Бошқарув жараёнлари, маҳсулот ҳаётининг циклларнинг жараёнлари, ресурсларни бошқариш жараёнлари: ўлчаш, таҳлил, яхшилашдан иборат. Моддий-техника ресурсларини сотиб олиш жараёни учун кириш бўлиб, “таъминотчиларни баҳолаш ва танлаш” жараёни ҳисобланади. Бунда ташкилотдаги жараёнлар ҳар бир кейинги жараён баҳосини ошириш мақсадида бошқарув шароитида режалаштирилиши ва бажарилиши керак.

Маҳсулот-бу жараён натижасидир, ташкилотнинг ташқи муҳит субъектлари, аввало истеъмолчиларни қизиқтирувчи фаолиятнинг якуний натижасидир.

Сифатни бошқаришни замонавий назариясида маҳсулот тўртта умумий тоифалар бўйича тавсифланади булар хизмат кўрсатиш, дастурий воситалар, техник воситалар, қайта ишланадиган материаллардан иборат бўлади.

Хизмат кўрсатиш ҳеч бўлмаганда битта ҳаракат натижаси ҳисобланади ва албатта, таъминотчи ва истеъмолчилар ўзаро ҳаракати натижасида амалга оширилади. У одатда, моддий бўлмайди. Хизмат кўрсатишга истеъмолчи томонидан берилган моддий маҳсулотга қаратилган фаолиятни, истеъмолчи томонидан берилган номоддий маҳсулотга қаратилган фаолиятни, номоддий маҳсулотни тақдим этишни, истеъмолчилар учун қулай шароитларни яратишни киритиш мумкин. Маълумотлардан иборат ва одатда, номоддий ҳисобланган дастурий воситалар аниқ бир ёндашув, операция ёки процедуралар шаклида тақдим этилади. Техник воситалар ва қайта ишланадиган материаллар, одатда моддий бўлади ва кўпинча товар деб номланади. Маҳсулотларнинг баъзи турлари санаб ўтилган тоифаларни ўзида мужассам этади. Маҳсулотни хизмат кўрсатиш, дастурий ёки техник воситаларга, қайта ишланадиган материалларга киритиш тоифалар ичида устуликка эга бўлган тоифага боғлиқ бўлади. Жумладан автомобил техник воситалардан (шина ва бошқалар), қайта ишланадиган материаллардан

(ёқилғи, совутиб берувчи суюқлик), дастурий воситалардан (двигателни бошқарув дастури, хайдовчига йўриқнома), шунингдек, хизмат кўрсатувчи сифатида (ишлатиш бўйича консультация ва бошқалар) тақдим этиш мумкин.

Сифат-кўплаб хусусиятларга ва турли жиҳатларга эга бўлган мураккаб ва универсал тоифа. Сифатни кўллаш ва кўриб чиқиш мақсадига боғлиқ равишда сифат жиҳатларидан фалсафий нуқтаи назарда сифат кўриб чиқилаётган объектга муҳим равшанлик берувчи, шу равшанлик туфайли объект ўзига хос ва бошқалардан ажралиб турадиган объектга айланади.

Сифат тоифаси объектив ҳақиқийликни инсон томонидан англашни маъқул даражасини билдиради. Тадқиқотларни бошланғич босқичида объект қайси бир хусусияти ёки бир қатор хусусиятлари билан ажралиб туради. Сифатнинг социал жиҳати субъектлар ва (ёки) бутун жамиятни ўрганилаётган объект билан муносабатига боғлиқ; масалан, баъзи бир истеъмолчиларни маҳсулот ёки хизматга нисбатан муносабати ва таъсири. Бунда сифат талаб ва таклиф қонунларига жавоб берадиган, маданиятлилик, истеъмолчилар даромати ва бошқаларга боғлиқ бўлган тоифа сифатида кўрилиши мумкин.

Мухандислик нуқтаи назардан сифат танланган объект хусусиятларининг тўпламини ўхшаш объект билан солиштириш орқали ўрганилади. Ўхшаш объект тадқиқот мақсадига боғлиқ равишда эталон вазифасини бажаради.

Иқтисодий жиҳатдан сифат, тадқиқот объектининг истеъмол қиймати ёки истеъмол натижаси сифатида кўрилади. У ёки бу объектнинг сифатга эҳтиёжи турлича бўлганидек, истеъмолчилар томонидан сифат ҳам турлича баҳоланади. Демак, иқтисодий нуқтаи назардан сифатни қанчалик эҳтиёжга мувофиқлигини билиш керак, бўлмаса хар қайси юқори сифат – яхши деганни билдирмайди, яъни сифатнинг техник ва иқтисодий жиҳатлари орасида зиддиятлар мавжуд. Бу зиддиятлар диалектик характерга эга ва, ишлаб чиқариш ва объектлар истеъмоли ўртасидаги қўшимча алоқага сабаб бўлади. Шунинг учун сифатнинг техник ва иқтисодий жиҳатларини биргаликда кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Сифатнинг ҳуқуқий жиҳатига илмий-техник ҳужжатларни ишлаб чиқиш, ҳужжатларни ишлаб чиқиш тартиби, тасдиқлаш, татбиқ қилиш ва бажариш, шунингдек уларни ҳисоб-китоби киради. Ҳуқуқий нуқтаи назарда сифат меъёрий ҳужжатларда ўрнатилган талабларга жавоб берадиган хусусиятлар йиғиндиси сифатида намоён бўлади. “Сифат” тушунчасини аниқлашда уни тушунтирадиган турли жиҳатларни эътиборга олиш керак. Аммо бу таърифларга бир томонлама ёндашилиб бўлмайди.

ISO 9000 сериядаги халқаро стандартларнинг аввалги нақлларида сифат шартли ёки тахминий эҳтиёжларни кондирришга кодир бўла оладиган маҳсулот ва хизматларнинг хусусиятлар ва тавсифлар йиғиндисидан иборат деб таърифланган. О'zDSt ISO 9000:2002 бўйича сифат-бу ўрнатилган, одатда тахмин қилинадиган ёки мажбурий ҳисобланган эҳтиёж ёки кутилишни бажарадиган хусусий тавсифлар йиғиндисига эга даража, деб таъриф берилган.

Бозор иқтисодиёти шароитида маҳсулот сифатини оширишда сифатини бошқаришнинг ахамияти. Бозор ва рақобат шароитида дунёдаги ривожланган давлатлари сифатни стратегик савдо императиви ва миллий бойликнинг энг муҳим манбаи сифатида қабул қилиш мумкин. Сифат кўп жихатдан давлатнинг обрўи, ҳар бир инсон ва бутун жамият эҳтиёжларини кондирриш учун асос бўлиб хизмат қилади, рақобатбардошлиликни муҳим ташкил этувчиси ҳисобланади. Корхона рақобат шароитида фақатгина сифат асосида ривожланиши ва фойда кўриши мумкин. Шунинг учун, бозор иқтисоди шароитида сифатни таъминлаш ва ошириш бўйича фаолият устивор йўналиш бўлиши объектив ҳисобланади. Маҳсулот сифати шерикчиликнинг ишончли мезонига, муваффақиятли бизнеснинг асосий шартига айланди. Маҳсулот сифатини таъминлаш дунёдаги барча давлатларда муҳим иқтисодий муаммолар қаторига кўйилган.

Сифатни ошириш ва таъминлаш заруриятини аниқловчи асосий сабаблар булар шахсий, ишлаб чиқариш ва жамият эҳтиёжларини узлуксиз ўсиши, фан, техника, ишлаб чиқариш, иқтисод ва бутун жаҳон ҳамжамияти ривожланишида илмий-техник прогресс роли ва суръатини ошиши, хизматларни, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот конструкцияси ва бажарадиган функциялар ахамиятини такомиллаштириш, маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш ҳажмини ошиши ва шунинг натижасида сифатсиз, маҳсулот сифатидан норози бўлиб даъво қилишлар, маҳсулот нархини ошиши, нисбатан юқори бўлмаган сифатга эга маҳсулот ва хизматларни истеъмолчилар томонидан қабул қилинмаслиги, ишлаб чиқаришни жадаллаштиришга нисбатан талабларни қаттиқлашиши ва корхонани эсон-омон мавжудлигининг зарур шarti сифатида унинг самарадорлигини ошишидан иборат.

Юқорида сабаблар билан бир қаторда жаҳон бозорида рақобатнинг ошишини кўрсатиб ўтиш зарур. Рақобат фақатгина ташқи бозорда эмас, балки бизнинг давлатимизда ҳам мавжуд. Хулоса қилиб айтганда, сифат ҳамма нарсадан муҳим бўлиши керак, юқори сифатни яратиш ва таъминлаш учун хом-ашё, материаллар ва бошқалар юқори сифатли бўлиши керак, сифат таъминланмаса, сақлаб ва яхшилаб борилмаса, оқибати тузатиб бўлмас оғир

бўлиши мумкин. Инсонга хақиқий эътибор ва чуқур хурмат кўрсатилган жойда намоён бўладиган “шахсий рухият маданияти” орқали юқори сифат таъминланиши, сақланиши ва мукамалликка эришиши мумкин. Замонавий босқичда махсулот сифатига тегишли масалаларни ечишда давлатнинг ролини ошириш зарурлигини эътироф этиш керак. Бироқ сифат стратегиясини ишлаб чиқиш – бу ташкилотнинг вазифаси ҳисобланади. Профессори Д. Гарвин сифатнинг бешта мезонини кўрсатиб ўтган булар стандартга мувофиқлик, энг яхши товарлар – аналогларнинг техник кўрсаткичларига мувофиқлиги, барча ишлаб чиқариш жараёнларга юқори аниқликда амал қилиш даражаси, сифатни харидор талабларига мувофиқлиги ҳамда тўлов қобилиятли талабга сифатнинг мувофиқликларидан иборат. Сифат даражасини сақлаш учун ҳеч қайси мезонни бузиб бўлмайди. Бу қоидаларга амал қилмаслик тижоратни синишига олиб келади. Шундай қилиб, бозор иқтисоди шароитида сифатни бошқариш-бошқарувни ҳамма мақсадларига эришиш ва муваффақиятни таъминлаш учун муҳим йўналиш ҳисобланади.

Адабиётлар:

1. Ахмедов Б.М. Разработка документация систем менеджмента качества по ИСО 9001:2000. Ўқв курси. «Ўзстандарт» агентлиги Республика синови ва сертификатлаштириш маркази. 2004 й. 74-бет.

2. Juraboevich V. N. Products in Manufacturing Enterprises the Essence of Quality Management //International Journal of Development and Public Policy. – 2021. – Т. 1. – №. 5. – С. 117-118.

3. Джастин Левеску и Г.Фред Уолкер. Инновационный процесс и методы качества. (подготовлен В. Алексеевым По материалам статьи Justin Levesgue and H.Fred Walker, The Innovation Process and Quality Tools // Quality Progress, июль 2007). Стандарты и качество № 1 М.: ООО РИА «Стандарты и качество», 2008.– 80-84 с.

4. Ширвин М., Стандарт ИСО 9001:2000 – Эффективный подход к освоению международного рынка. Независимый профессиональный журнал International Magazine of MANAGEMENT, Т.: СП ЗАО «Seal MAG», №1, 2007, с. 6-11.

5. Эгамбердиев, Б. Э., Маллаев, А. С., Миршомилова, М. А., & Рахимова, Н. М. (2019). Влияние отжига на кристаллическую структуру поверхности кремния, легированного ионами никеля. Наука и мир, 1(2), 19-23.

6. Kuvandikov A., Mustafaev O. Indicators for assessing the quality of building materials //Збірник наукових праць SCIENTIA. – 2021.

7. <https://drive.google.com/drive/my-drive?ths=true>